



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
и.ф.д. Ф.А.Сафаров
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:
PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғойбназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

МУНДАРИЖА :

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мурод Мухаммедович Мухаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Иқтисодий тафаккур – иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили	5
Muxitdin Abduxamidovich Aynakulov Klaster doirasida xizmat ko‘rsatish kooperatsiyasini tashkil etish va rivojlantirish tamoyillari va shakllari	16
Barchinoy Shonazar qizi Mavlanova Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatining o‘ziga xos xususiyatlari	21
Бахтияржон Бултурбаевич Муллабаев Худудлар ривожланишидаги номуносибликни камайтиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш	24
Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов Марказий Осиёда иккинчи ренессансга асос солишда Амир Темур ва теурийларнинг хизматлари	31
Nodir Djumanazarovich Khusanov O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini rivojlantirishda strategiya va mexanizmlarni doimiy ravishda takomillashtirish yo‘llari	35
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Shamsiddin Kiyamiddinovich Yuldashev, Lola Nazarovna Khalikova The role of human capital in forming the digital economy	40
Mavluda Azamatovna Shodmonova Raqamlashtirishning logistika samaradorligiga ta’siri	42
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Ruziboy Normaxmatov, Jasur Kaharov, Akram G‘afurov Olma mevasi – biologik faol moddalarning muhim manbaidir.	45
Отабек Джурабаевич Джурабаев Определение направлений оптимизации операционной стратегии и повышение экономического потенциала хлопково-текстильных кластеров	48
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Присбек Иватов Аҳолига хизмат кўрсатишда деҳқон бозори фаолиятини ривожлантириш ва тартиблаштириш	56
Фарход Анварович Сафаров Мослашувчан бошқарув тамойиллари асосида хизмат кўрсатиш корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш	60
Baxtiyor Nusratovich Nosirov Mintaqaning uy-joy kommunal xizmatlar sohasida aloqa va axborotlashtirishni rivojlantirishni modellashtirish	64
Акмал Анвар ўғли Рахматов Мижозларга савдо хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг замонавий йўналишлари	70
Umid Xolboyevich Xolboyev Xizmatlar sohasi raqobatbardoshligini oshirishning nazariy masalalari	75
To‘lqin Ismatulla o‘g‘li Yahyoyev Qurilish xizmatlarini iqtisodiy tahlil obyekti sifatida xalqaro standartlar asosida tasniflash	77

<p>И.Иватов</p> <p>Развитие и упорядочивание деятельности дехканских рынков при обслуживании населения</p> <p>Аннотация: в статье рассмотрены вопросы повышения социально-экономической эффективности дехканских рынков с учетом их особенностей в условиях свободного хозяйствования, уделено внимание на эффективное использование возможностей дехканских рынков для более эффективного регулирования коммерческих взаимоотношений между продавцами и покупателями, а также, с учётом текущих и стратегических целей взаимоотношений между продавцами и покупателями сельскохозяйственной продукции, рассмотрено создание выгодных условий для осуществления данных операций.</p> <p>Ключевые слова: рыночные отношения, фригольд, крестьянский рынок, социально-экономическая эффективность, сфера обращения, коммерческие отношения, закупочная цена, цена продажи, денежные поступления, эффективное регулирование, сельскохозяйственная продукция, продавцы и покупатели, текущие и стратегические цели.</p>	<p>I.Ivatov</p> <p>Development and streamlining of the activities of peasant markets in serving the population</p> <p>Abstract: the article discusses the issues of increasing the socio-economic efficiency of dekhkan markets, taking into account their characteristics in a free economic environment, and pays attention to the effective use of the opportunities of peasant markets for more effective regulation of commercial relationships between sellers and buyers, as well as, taking into account the current and strategic goals of the relationship between sellers and buyers of agricultural products, the creation of favorable conditions for the implementation of these operations is considered.</p> <p>Keywords: market relations, freehold, peasant market, socio-economic efficiency, sphere of circulation, commercial relations, purchase price, sale price, cash receipts, effective regulation, agricultural products, sellers and buyers, current and strategic objectives.</p>
---	---

Фарход Анварович Сафаров – СамИСИ доценти в.б., и.ф.д.

МОСЛАШУВЧАН БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш ва уларнинг самарадорлигини оширишда ташқи муҳит омилларининг таъсирини эътиборга олиш ва уларга мослашиш масалалари ёритилган. Мослашувчан бошқарув тамойилларини қўллаган ҳолда хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизациялаш истиқболлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: хизмат, рақобатбардошлик, самарадорлик, мослашувчан бошқарув, модернизация, стратегия, мобилизация.

Кириш. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Мустақилликнинг биринчи кунлариданок унинг имкониятлари аҳоли бандлигини ошириш ва даромадини кўтаришнинг асосий манбаларидан бири бўлиб келмоқда. Хизмат кўрсатиш корхоналари Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Барча ривожланган мамлакатларда сервис соҳаси давлатнинг иқтисодий тизимида муҳим аҳамият касб этади. Улкан гигантлар – саноат корхоналари орасидаги бўшлиқни тўлдириб, хизмат кўрсатиш корхоналари ҳар бир мижоз билан бевосита боғлиқ фаолият юритиб, маълум маънода ижтимоий-иқтисодий муҳитни мустаҳкамлайди. Шундай экан, соҳа корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Корхоналарнинг самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш, бунда замонавий усуллар ва воситалардан фойдаланиш муаамолари қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ушбу соҳа мутахассислари Майкл Хаммер (М. Hammer), Джеймс Чампи (J. Champy), Томас Давенпорт (Т. Davenport), Дж. Шорт (J. Short), Джон Харрингтон (J. Harrington), Дж. Тенг (J. Teng), Д. Андрюс (D. Andrews), С. Сталик (S. Stalick), Пол Саймон (P. Simon) ва бошқалар ўз асарларида

корхоналарни модернизациялаш, уларда инновацион бошқарув усуллари ва инструментларини қўллаш, бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, жараёнли бошқарув ёндашуви каби йўналишларда бир қатор қарашларни баён этишган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида индукция ва дедукция, тизимли ва мантиқий таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Хизматлар соҳаси корхоналарида бошқарув ва хизмат кўрсатиш технологияларини модернизациялаш стратегик барқарорликни таъминлаш мақсадларининг тўла амалга ошишига йўл очади, уларнинг янги сифат босқичига чиқишига, самарадорлик ва рақобатбардошликнинг ошишига, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлатилиши мумкин бўлган потенциал ресурслардан фойдаланиш ва унда самарали бозор механизмларини ишга туширишга таъсир қилади. Шундан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасидаги модернизация – бу хўжалик юритишнинг мавжуд шакл ва усуллари янгилаш, муайян чекловлар доирасида корхоналарнинг янги имкониятларини юзага чиқаришдир. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги модернизация бошқарув ва ходимларнинг қатъийлиги, малакалиги, самарадорлиги, уларнинг узоқ муддатли ривожланиш мақсадлари ва йўналишларини кўзлай олишлари билан белгиланади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси модернизациясига бўлган мавжуд ёндашувлар таҳлили асосида уни таъминлаш тамойиллари шаклланади. Бу тамойиллар қуйидагилар:

- ташкилотлар бошқаруви ва ходимларининг пировард натижага йўналганлиги;
- модернизациянинг оптимал компонентларини шакллантириш; мослашувчан бошқарув тизимини яратиш;
- хизматлар сифатини ошириш;
- инновацион фаолиятни фаоллаштириш ҳамда ривожлантириш ва б.

Хизматларни янгилашга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар модернизация жараёнининг муҳим таркиби ҳисобланади. Уларни қуйидаги чизма кўринишида тасвирлаш мумкин (1-расм).

Хизмат кўрсатиш корхоналари модернизацияси омиллари

Ташқи омиллар:

- 1) ахборот;
- 2) ижтимоий-демографик;
- 3) молиявий-иқтисодий;
- 4) илмий-техник;
- 5) инновацион;
- 6) инвестицион;
- 7) ҳуқуқий;
- 8) табиий-экологик;
- 9) институционал;
- 10) ташқи-иқтисодий

Ички омиллар:

- 1) шахсий;
- 2) бошқарув ва ходимнинг малакавий сифати;
- 3) стратегик бошқарув тизими;
- 4) молиявий-иқтисодий ва нархлаш сиёсати;
- 5) ресурс ва технологик потенциал;
- 6) ҳисоб ва мониторинг тизими;
- 7) маркетинг стратегияси;
- 8) реклама фаолияти

1-расм. Хизматлар модернизациясига таъсир қилувчи омиллар.

Ташқи омиллар гуруҳи хизмат кўрсатиш корхоналарининг бевосита таъсир доирасига кирмайдиган ижтимоий-иқтисодий муҳит тараққиёти кўрсаткичларини ўз ичига олади. Иккинчи гуруҳ корхона модернизацияси ички омилларидан иборат бўлиб, унга бозор фаолиятининг турли жиҳатлари, шунингдек, хизмат кўрсатиш шарт-шароитларидан фойдаланиш даражасини акс эттирувчи кўрсаткичлар киритилган. Модернизациянинг ички омиллари орасида ресурс ва технологик потенциал муҳим ўрин тутиб, у

кўрсатилаётган хизматларнинг техник даражаси ва, хусусан, уларнинг технологиясини ўз ичига олади. Шундай қилиб, модернизация – бу рақобат бозорида фаолият қилувчи бошқарув объекти ва ташкилот фаолияти мақсади, куч-қудратининг таркибий қисми бўлиб, хўжалик қилувчи субъектнинг ноёб билинар-билинмас ресурсларини намоён этади.

Хизмат кўрсатиш корхоналари модернизацияси жараёнларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Хизмат кўрсатиш соҳасини таркибий дифференциаллаш (ажратиш) – яъни, қатъий белгиланган вазифаларни бажарувчи ва бир вақтнинг ўзида ўзаро зич алоқа ва муносабатда бўлган янги ташкилотларни яратиш.

2. Хизмат кўрсатиш корхоналари мобилизация қобилиятини ошириш – яъни, унинг турли ресурслар (иқтисодий, ахборот, технологик)дан фойдаланиш (мобилизация) ва уларни янги мақсадларга эришишга йўналтириш, ресурсларга бўлган сарфларни ва вақтга мослашишни оптимизациялаш.

3. Хизмат кўрсатиш соҳасининг инқирозли вазиятларда ўзини тутиб қолиши ва инқироз асоратларини бартараф этишда коммуникация, ижтимоийлашув ва мобилизациянинг янги воситаларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш.

Хизмат кўрсатиш корхоналари модернизациясининг концептуал модели 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Хизмат кўрсатиш корхоналари модернизациясининг концептуал модели.

Модернизация босқичида корхоналарни мослашувчан бошқариш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим: модернизация жараёни ва мослашувчан бошқарув бир-бирини тақозо этади ва тўлдиради. Мослашувчан бошқарув модернизациянинг устивор инструменти сифатида барқарорликдан чиқарувчи омиллар таъсири тўхтагандан кейин, йўқотилганларни тиклаш ва мослашувнинг янги мувозанат ҳолатини топа олиш қобилиятига эга. У хизмат кўрсатиш корхоналарида ташкилий тузилмалар модернизациясининг стационар ҳолатини сақлаб қолади, ички ва ташқи шароитлар ўзгаришида мослашувчанликни кучайтириш ҳисобига корхона рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳаси хусусиятлари корхоналар томонидан бутун соҳа модернизациясининг концептуал моделини амалга ошириш мақсади

кўзланган мослашувчан бошқарув тизимини яратувчи инструментарийни шакллантириш заруратини юзага келтиради. Корхона мослашувчан бошқарув тизими модернизацияси инструментарийси деганда хизмат кўрсатиш корхонаси фаолиятини юритишда ўзгарувчан шароитларга мослашиш туфайли корхонанинг турли ривожланиш босқичларида ресурс потенциали деградациясини йўлга қўймаслик шарти билан мақсадлар муваффақиятини таъминловчи бошқарувнинг амалий-жараёнли тизимини тушуниш лозим.

Корхона мослашувчан бошқарув тизими модернизацияси ўз ичига қуйидаги таркибий қисмларни олади: рақобатбардошликни ошириш имконини берувчи, хизматларни самарали оммалашувига йўналтирилган бизнес алоқаларни шакллантириш; турли установакаларни кўзловчи (мақсад, чекловлар, бошқарув кўрсаткичлари) мослашувчан бюджетлаштириш моделини татбиқ этиш; рақобатли фаолият индикаторлари ўсишини изчил кузатиш мақсадида унинг ривожланишини йўлга солиш ва назорат қилиш учун рақобатбардошлик мониторинги; стратегик режалаштириш, шу жумладан, молиявий барқарорлик индикациясининг замонавий усулларини қўллаб, фирманинг ички молиявий режалаштирилиши.

Хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятини ташқи муҳитнинг доимий ўзгарувчан кўрсаткичлари шароитида амалга оширади, бунда бизнесни юритиш самарадорлигига микромуҳитнинг локал омиллари, шунингдек, макромуҳит ҳолати ва иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, экологик, илмий-техник хусусиятдаги глобал ҳолатлар таъсир кўрсатади.

Хизмат кўрсатиш фаолиятида мослашувчан бошқарув моделини қўллаб, бошқарув тизимини модернизациялаш – бу, аввало, баҳолаш хизматининг ҳар хил – асосий, шунингдек, қўшимча турларига таклифни кенгайтиришга йўналтирилган бизнес-жараёнлар реинжиниринги усуллари билан бизнес-алоқаларни мукамаллаштиришдир.

Мослашувчан бошқарув тизимини модернизациялаш инструментларидан фойдаланиб, нафақат изчил ривожланишни таъминлаш, балки баҳолаш компаниялари ишини барқарорлаштириш ҳам мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Мослашувчан бошқарув тизимини шакллантириш асосида ишлаб чиқилган, хизмат кўрсатиш соҳаси модернизациясининг замонавий тамойили ички ва ташқи муҳит беқарорлиги шароитида корхоналарнинг динамик ривожланишини таъминлашга қодир. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари унда модернизацион жараёнлардан фойдаланиш хусусиятини ҳам назарда тутаяди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари барқарорлигини таъминлаш стратегияларига йўналтирилган мослашувчан бошқарув модернизация инструментларини: бизнес-алоқалар, мослашувчан бюджетлаштириш ва рақобатбардошлик мониторингини татбиқ этишни шакллантиришни назарда тутиши лозим.

Замонавий хизмат кўрсатиш бозоридаги перманент ўзгаришлар ва баҳолаш компаниялари ўртасидаги қаттиқ рақобат ҳолатида бошқариш аппарати модернизациясининг муҳим йўналиши – бизнес-жараёнлар реинжинирингига асосланиб, барқарорликнинг мослашувчан бошқарув тизими самарадорлигини баҳоловчи методикани ишлаб чиқиш ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари бизнес-жараёнлари реинжинирингининг самарадорлигини баҳолаш мажмуаси коммуникация ва рақобатбардошлик самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ҳисоб-китобини ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Hammer M. and Champy J. Reengineering the Corporation: A Manifesto for Business Revolution. N.Y.: HarperCollins, 1993.
2. Teng J. Re-engineering Business processes Using Information Technology, co-authored by Varun Grover and Kirk D. Fiedler, Long Range Planning, N0. 1, 1994.
3. Davenport T.H. Process Innovation. Boston, MA: Harvard Business School Press, 1993.
4. Stadler A. Re-engineering the executive: The 4th generation of EIS – a case study // Information and Management, 29, 1995.
5. Davenport T.H. & Short J.E. The New Industrial Engineering: Information Technology and Business Process Redesign // Sloan Management Review, 1990, Summer.

<p>Ф.Сафаров</p> <p>Обеспечение конкурентоспособности предприятий сферы услуг на основе принципов гибкого управления</p>	<p>F.Safarov</p> <p>Ensuring the competitiveness of service sector enterprises based on the principles of flexible management</p>
<p>Аннотация: в статье освещены вопросы учета влияния факторов внешней среды и адаптации к ним в целях обеспечения конкурентоспособности предприятий сферы услуг и повышения их эффективности. Рассмотрены перспективы модернизации предприятий сферы услуг с использованием принципов гибкого управления.</p>	<p>Abstract: the article highlights the issues of taking into account the influence of environmental factors and adapting to them in order to ensure the competitiveness of service sector enterprises and increase their efficiency. The prospects for modernizing service sector enterprises using the principles of flexible management are considered.</p>
<p>Ключевые слова: сервис, конкурентоспособность, эффективность, гибкое управление, модернизация, стратегия, мобилизация.</p>	<p>Keywords: service, competitiveness, efficiency, flexible management, modernization, strategy, mobilization.</p>

Baxtiyor Nusratovich Nosirov – Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Qarshi filiali “Axborot texnologiyalarining dasturiy ta’minoti” kafedrasida katta o’qituvchisi.

MINTAQANING UY-JOY KOMMUNAL XIZMATLAR SOHASIDA ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISHNI RIVOJLANTIRISHNI MODELLASHTIRISH

<p>Annotasiya: Ushbu maqolada mintaqaning uy-joy kommunal xizmatlari sohasida aloqa va axborotlashtirish xizmatlarini raqamli texnologiyalardan foydalanib rivojlantirish mexanizmlarini nazariy asoslari takomillashtirilganligi hamda aholiga xizmat ko’rsatishni o’rta muddatli ko’p variantli ssenariylari ishlab chiqilganligi haqida fikr – mulohazalar keltirilgan.</p> <p>Kalit so’zlar: uy-joy kommunal, aloqa va axborotlashtirish, raqamli texnologiya, empirik model, ekonometrik model, prognoz natijalari, axborot tizimi, endogen o’zgaruvchilar, ekzogen o’zgaruvchilar, ko’p variantli, ssenariylar.</p>

Kirish. Mintaqa aholisining hayotini sifatli kommunal xizmatlar bilan ta’minlash jarayonida, kommunal xizmatlarni modernizatsiya qilish, kommunal xizmatlarning yangi yondashuvi, ularni yangi texnik talablar, aqlli shaharlar kabi aqlli mahallalar yaratish, axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanib raqamlashtirish hamda me’yorlar va sifat standartlariga muvofiqlashtirish hozirgi kunning eng dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.

Hozirgi kundagi eng muhim yo’nalishlaridan biri uy-joy kommunal xizmat ko’rsatish darajasini axborot tizimlari va texnologiyalaridan samarali foydalanib oshirishni tatbiq qilinmoqda. Uy-joy kommunal xizmatlar aholi yashash sharoitini yanada yaxshilash, uy-joylarning qulayligi va obodonligi, aholini suv, gaz, elektr energiyasidan tejamli foydalanishni tartibga solish, aholining turmush farovonligini oshirish yuzasidan muhim ijtimoiy-iqtisodiy masalalardan biri hisoblanadi. Rivojlangan mamlakatlarning xizmat ko’rsatish sohasini yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 75 foizni tashkil etib, kommunal xizmatlar sohasida esa 42 foizni tashkil etmoqda. Iqtisodiyot tarmoqlarining xizmat ko’rsatish sohasida bandlik Yevropaning rivojlangan mamlakatlarida 75 foiz, AQSHda esa 80 foiz, Yaponiyada 82 foizdan ortadi. Dunyo miqyosida xizmatlar sohasini rivojlantirishda uning hajmi va sifatini oshirishda AKTdan samarali foydalanish muhim rol o’ynaydi.

Yangi O’zbekistonda barcha sohalarda amalga oshirilayotgan keng qamrovli tub o’zgarishlar borasida ijtimoiy sohani rivojlantirishga, mintaqalarda aholiga kommunal xizmat ko’rsatishni sifatini oshirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Respublikamizning 2035-yilgacha bo’lgan uzoq muddatga mo’ljallangan ijtimoiy-iqtisodiy o’sish davlat dasturida belgilangan strategik maqsadlardan biri bozor munosabatlari va jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy qat’iyligini shakllantirish uchun iqtisodiyotni raqamlashtirish muhim hisoblanadi. Sun’iy intellekt tizimlar va aqlli texnologiyalarga bosqichma-bosqich o’tish jarayoni bo’lgan iqtisodiy boshqaruvni

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

06.03.2024 йилда теришга берилди. 29.03.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0024А/30.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.